

Сизга мусибат етса...



09:50 / 02 январь 2777

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

«Сизга қайси бир мусибат етса, бас, ўз қўлингиз қилган касбдандир» (Шуро сураси, 30-оят).

Бошимизга тушаётган қанчадан-қанча мусибат, бало, офат ва кулфатларнинг сабаби айнан ўз қўлимиз билан қилган касбимиздан экан. Кўпчилик «Менинг касбим ҳалол, ўзим эса ибодатдаман, нима учун бошимга ҳар-хил мусибатлар тушади», деб ўйлайди.

Аслида чуқур мулоҳаза қилиб кўрсак, кўпчилик ўзи шуғулланаётган касб ва ҳунарини, унинг ичидаги ҳалоли ва ҳаромини, макруҳи ва шубҳалисини тўлиқ ажратиш олмаганига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу «Фақиҳ бўлмаганлар бизнинг бозорларимизда савдо қилмасин», деганлар.

Бир ўйлаб кўрайликчи, бизнинг бозорларимизда бирорта фақиҳ борми ёки касб-ҳунарнинг бошқа йўналишларида мана шундай кишини топиш мумкинми?

Шундай экан ҳар биримиз ўзимизнинг тирикчилик манбаимизнинг шаръий тарафларини ўрганишимиз, ҳеч бўлмаганда шу соҳага оид фарзи айн

билимлардан хабардор бўлишимиз керак. Зеро, шундагина ҳаётимизда учраши мумкин бўлган кўнгилсиз нарсаларнинг олдини оламиз.

Мазкур ояти каримадаги касб сўзи инсоннинг фаолияти, қиладиган иши ва амалидан хабар беради. Демак, мўминнинг касби унинг бу фаолиятлари шариат ман этган нарсалар орқали бўлса, бундай фаолият кишининг зарари учун қилган касб деб аталади.

«Мўминнинг касби» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 мартдаги 02-07/4540-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.